

**БМТ НИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ХАЛҚАРО СИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

Калимбетов Бахыт

Нукус шаҳри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6748576>

Аннотация. Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташикилоти БМТ нинг тузилиши, яъни таркибий қисми ва мустамлакачиликнинг барҳам топиши ҳақида сўз айтилиб, бунда биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташикилоти БМТ нинг тузилиши ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро хужжатларнинг шаклланиши ҳақида сўз айтилади. Бунда, асосан, БМТ нинг тузилишида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихи ҳақида ва инсон ҳуқуқлари бўйича умумжсаҳон декларациясининг (1948-йил 10-декабр) қабул этилиши, ва фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг тастиқланиши ҳақида ва унинг ахамияти ҳақида сўз кетади. Иккинчидан, мустамлакачиликнинг барҳам топишида БМТ нинг роли ва ўз озодлиги учун курашган халқларни қўллаб-кувватлаши ва XX-асрнинг иккинчи ярмида мустақил давлатларнинг ривожланиши ҳақида сўз кетади.

Калимбетов Бахыт: Бирлашган Миллатлар Ташикилоти, Ассамблея, Халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари

ОРГАНИЗОВАНИЕ ООН И ФОРМИРОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОЙ ПОЛИТИКО-ПРАВОВОЙ БАЗЫ

Аннотация. В статье рассматривается структура Организации Объединенных Наций, т.е. состав Организации Объединенных Наций, и упразднение колониализма, прежде всего, структура Организации Объединенных Наций и формирование международных документов по правам человека. Он посвящен истории Организации Объединенных Наций после Второй мировой войны и принятию Всеобщей декларации прав человека (10 декабря 1948 г.), а также ратификации и значению Международного пакта о гражданских и политических правах. Во-вторых, обсуждается роль ООН в упразднении колониализма и поддержке народов, боровшихся за свою свободу и развитие независимых государств во второй половине XX века.

Ключевые слова: Организация Объединенных Наций, Ассамблея, Международный пакт, права человека.

ORGANIZATION OF THE UN AND THE FORMATION OF AN INTERNATIONAL POLITICAL AND LEGAL BASE

Abstract. The article discusses the structure of the United Nations, ie the composition of the United Nations, and the abolition of colonialism, first of all, the structure of the United Nations and the formation of international human rights instruments. It focuses on the post-World War II history of the United Nations and the adoption of the Universal Declaration of Human Rights (December 10, 1948), and the ratification and significance of the International Covenant on Civil and Political Rights. Second, the role of the UN in the abolition of colonialism and the support of peoples who fought for their freedom and the development of independent states in the second half of the twentieth century are discussed.

Key words: United Nations, Assembly, International Covenant, human rights

КИРИШ

Президент Шавкат Мирзиёев 2021-йил 21 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида таъкидлаб ўтганидек, Янги Ўзбекистон стратегиянинг бош ғояси фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камбағалликни камайтириш, ҳар бир кишини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш ҳамда барқарор экологик ривожланишга эришишдан иборат деб кўрсатди. Асосий мақсадимиз-2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадигандаромадлар миқдори бўйича «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришдир»-дея таъкидлаганидек, ушбу мақсадларга эришишда, энг аввало, тинчликни таъминлайдиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳамияти улуғ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятининг энг бошиданоқ ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бутун дунёда тинчликни, хавфизликни, иқтисодий тараққиётни ва ижтимоий тенгликни рағбатлантиришнинг ажralмас қисми ҳисоблананиши ҳақидаги ғояни доимий равища ҳимоя қилиб келмоқда. Шу сабабли ҳам БМТ миллый ва маданий хилма-хилликларни эътироф этган ҳолда инсон ҳуқуқларига амал қилинишига кўмаклашишга ва уни ҳимоя қилишга, шунингдек, ҳалқаро битимлар иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг мувофиқлигини кузатиш воситаларини ишлаб чиқишга фаол жалб қилинган.

ТАДҚИҚОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши ҳақида сўз айтадиган бўлсак, бу ташкилот ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ҳалқаро ташкилот. БМТ устави 1945-йилда 24-октябрда Сан-Франциско конференциясида қабул қилинди.

«Бирлашган Миллатлар» атамаси илк бор 1942-йил 1-январдаги Вашингтон декларациясида пайдо бўлди. Унга кўра, СССР, АҚШ, Англия, Хитой ва бошқа 22 давлат фашизмга қарши курашда бир-бири билан ҳамкорлик қилиш ҳамда бир томонлама битим тузиш ёки умумий душман билан келишиш мажбуриятини олган эди. Миллатлар лигаси ўрнини босиш мумкин бўлган Ҳалқаро ташкилотни ташкил этиш тўғрисидаги масала 1943-йил октябрда Ташқи ишлар вазирларининг Москва конференциясида мухокама этилган эди. Унда қабул қилинган декларацияда асосан 1944-йили Дувевартон-ОКС (Вашингтон) конференциясида СССР, АҚШ, Англия ва Хитой вакиллари мазкур ташкилот Низоми тўғрисида музокаралар олиб борди.

Конференцияда қабул қилинган таклифлар 1945-йил июньда қабул қилинган ва 1945-йил 24-октябрдан кучга кирган БМТ уставининг асосини ташкил этди.

24-октябрь-бутун Жаҳонда Бирлашган Миллатлар ташкилоти ташкил этилган кун сифатида ҳисобланади.

БМТ уставига дастлаб 51 давлат имзолаган, 2000 йилда эса уларнинг сони 189 етти. БМТ га ҳозирги вақтда 192 мамлакат аъзо. БМТнинг доимий иш ўрни (штаб квартираси)-Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. БМТ уставида кўрсатилганидек, у ҳалқаро тинчлик ва хавфизликни сақлаш, ҳалқларнинг teng ҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидасига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларини ҳал этишда ҳалқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини таминашни кўзда тутиб, шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади.

Ер юзидаги барча давлатлар ва халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги асосида уларни бор куч ва имканиятларини шу долзарб масалалар ечими йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишни ўткир заруратга айлаништироқда. Бу борада, жаҳондаги турли халқаро ташкилотлар, биринчи галда энг нуфузли ва етакчи халқаро ташкилот Бирлашган Миллатлар Миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг ўрни ва жамияти ортиб бормоқда.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки даврида, яъни 1992-йилнинг 2 мартадан бошлаб БМТ га аъзо бўлди ва ушбу нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. БМТ нинг юксак минбаридан туриб илгари сурилаётган, инсониятнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган дастурлар ижросини таъминлашда мамлакатимиз фаол иштирок этиб, шу дастурлар доирасида дунёдаги турли давлатлар халқаро ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганда унинг Низомида қайд этилган мақсад ва принципларидан бири сифатида иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳадаги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларига ҳамда ирқи, жинси, тили динидан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз, барчани асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу мақсаднинг илгари сурилиши Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уриш даврида оммавий тарзда ва қўпол равишда инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳоллатларига нисбатан ўзига хос жавоб эди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ривожи улар устуворлигининг тан олиниши, уни давлат ва мансабдор шахслари бошбошдоқлигидан эҳтиётлаш борасида табиий-ҳуқуқий билимнинг белгиловчи аҳамият касб этишига эътибор қаратиш лозим. 1948-йилда БМТ қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муқаддимасида инсон оиласи барча аъзоларига хос бўлган қадр-қиммат ҳамда уларнинг teng ва ажралмас ҳуқуларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси бўлиши» эътиборга олиниши таъкидланади. 1-моддада табиий докторинанинг етакчи ғояси баён этилган: «Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда teng бўлиб туғиладилар. Улар ақл ва виждан соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур» деб кўрсаталган.

Умумжаҳон декларацияси дунёнинг барча давлатларига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталогини намуна ўрнида, бу соҳадаги ички давлат қонунчилигини ривожлантириш учун андоза сифатида тавсия этади: «Бош Ассамблея мазкур Инсон Ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қиласи экан, бундан муқсад шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти ҳамиша БМТ ни шу Декларацияни назарда тутиб, маърифат илм йўли билан ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига ёрдам беришга интилишлари ҳамда миллий ва халқаро тараққиёт парвар тадбирлар йўли билан ҳам, ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва мазкур давлатларнинг юридикциясида худудларда яшаётган халқлар ўртасида самарали тан олинишига интилишлари керак».

Умумжаҳон декларацияси нафақат фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларни, балки XIX аср охирида шаклланган ва XX асрда ривожланган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг кенг кўламини ҳам ўзида мужассам этган. Айни чоғда инсон ҳуқуқларининг «биринчи авлод» асосий принциплари ва нормалари-фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар-демократик ҳуқуқий давлатлар амалиётида ўзининг нечоғли ҳаётий ва самарали эканини исбот этди.

Шунинг учун уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг ривожланишида муайян таъсир кучига эга бўлди.

МУҲОКАМА

БМТнинг ташкил этилиши ва халқаро сиёсий ҳуқуқий асосларининг шаклланиши асосий илмий манбалари қўйидагилардан иборат: Ходиев А.С. асарида биринчи ва иккинчи жаҳон уруши аросидаги халқаро муносабатлардаги Миллатлар лигасининг хизмати ҳамда сўз этади. БМТ хизмати ҳақидаги халқаро фикрлар берилган илмий асарлар вужудга келди, Колобова О.А. асарида XX-асрнинг иккинчи ярмидаги Халқаро муносабатлардаги БМТнинг хизмати ҳақида сўз этилади, М.В. Пономарев муаллифлигида ёзилган Европа ва Америка давлатларининг энг янги тарихида БМТнинг ташкил этилиши ва халқаро муносабатларидаги хизмати бўйича маҳсус боб ажратилган.

Мустақиллик даврида БМТ хизматига оид ўзбек тилида нашр этилган илмий оммабоп адабиётлардаги А.Х.Сайдов асарида БМТ нинг хизматида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро хужжатларнинг шаклланиши ҳақида сўз этилади, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида БМТ нинг тузилиши ҳақида тарихий манбалар берилган.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича Н.Б.Бабаевнинг инсон ҳуқуқлари бўйича, Л.Л. Лукажук, А.Х. Сайдов муаллифлигидаги ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари асарлари тарихий ва илмий манбалар бўлиб қолмай илмий методик аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 1000 га яқин универсал, минтақавий халқаро хужжатлар мавжуд. Масалан: 1948-йил 10-декабрда инсон ҳуқулари умумжаҳон декларацияси, 1966-йили 19-декабрда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1966-йили 19-декабрда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1984-йил 10-декабрда қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларга қарши конвенция, 1966-йили 7-мартта Илмий кенгашининг барча шаклларини тугатиши тўғрисида халқаро конвенция, 1967-йил 7-ноябрьда БМТ бош Ассамблеяси томонидан Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация, 1989-йил 20-ноябрьда Бола ҳуқулари тўғрисида конвенция, 1948-йил 9-декабрда Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида конвенция, 1970-йил 30-ноябрда Апартсид жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида конвенция, 1959-йили Май ойида Мехнат Машғулотлар тўғрисида конвенция, 1949-йил 1-июнда иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция, 1949-йил 21 марта Одамлар савдоси ва фоҳишлиликнинг ушинчи шахслар томонидан ишлатишига қарши қураш тўғрисида конвенция, 1930-йил 28-июнъда зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида 29-конвенция, 1957-йил 25-июнъда Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида 105 конвенция, 1960-йил 14-декабрда таълим соҳасида камситишга қарши қураш тўғрисида конвенция ва

бағрикенглик тамойиллари декларацияси ва бундан ташқари, турли хил инсон ҳукуқлари бўйича халқаро шартномалар қабул қилинди.

Бу шартномалар бутун жаҳонда инсон ҳукуқлари тамойиллари кенг мустаҳкамланишига ва инсон ҳукукларининг ҳимояланишига қонуний равища хизмат қилиб келди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда инсон тараққиёти Концепцияси ва БМТнинг Минг йиллик ривожланиши мақсадлари ҳақида сўз айтилганда, энг аввало, Ўзбекистоннинг БМТ нинг инсон ҳукуқлари бўйича деярли барча шартномаларига, шу жумладан, қуйидаги шартномаларга кўшилган мамлакатлар сарасига киради. Улардан: Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, Қийноқ ҳамда муомала жазолашнинг қаттиқ шавқатсиз инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияга, Иркий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга, ва болалар ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияга. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда ҳукуматнинг ишончли ҳамкори сифатида Инсон ҳукуқлари сифатида Инсон ҳукуқлари бўйича миллий марказнинг мустаҳкамланичига кўмаклашиб, «Адвокатурани ривожлантириб, Юридик Ёрдам жамиятини ташкил этиб ва инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш» ва унга кўмаклашиши билан боғлиқ ахборот билан таъминлаш жараёнини қўллаб-қувватлашда катта ютуқларга эришди. Бу ҳақида фикр юритганда, БМТнинг 2000 йилда бўлиб ўтган минг йиллик саммитида Мингийиллик декларацияси қабул қилиниб, унда Инсон тараққиёти концепциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган эди.

БМТ Бош Хотиби Панн Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимизда бу борада Орол буйи минтақасида бўлиб, у ердаги экологик ҳолатни кўздан кечирди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг БМТ ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва БМТнинг нуфузли Халқаро аъзоси эканлиги, инсон ҳукуқлари, давлат бошқаруви ва демократия соҳасидаги дастурларининг амалга оширилиши юртимизнинг тинчлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи. 2021-йил 21 сентябрь
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 2-жилд: Давлат илмий нашриёти, 2001
3. Бабаев Н.В. «Инсан ҳукуқлари Ўзбекистон» Тошкент 1997
4. Ходиев А.С.Лига Наций В Мировой политики. 1919-1946. Ярославл, 1995
5. Образ и реальность: Вопросы и ответы об Организации объединенных наций М.1997
6. Колобова М., Очерки истории Международных отношений М.
7. Пономарев М.В. История стран европы и Америки в Новейшее время: М: Издательство «Просжит» 2008 408 стр.
8. Сайдов А.Х., Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тошкент, «Адолат»2002-270 б
9. Л.Л.Лукашук, А.Х.Сайдов «Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари» Тошкент 2007 й